

ШАЙХНАЗАРБОЙ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШДА МУЗЕЙ МАТЕРИАЛЛАРИНИ АҲАМИЯТИ

*“Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси
“Хукмдор ва шоир” бўлими
бўлим мудири: Ташпулатова Дилфуза*

Аннотация: Мазкур мақолада 2019 йилда Хива шаҳрида Шайхназарбой ҳовлисида топилган тарихий ҳужжатлар таҳлил қилинади. Ушбу манбаларнинг музей фондига қабул қилиниши, уларнинг илмий аҳамияти ҳамда XIX аср охири – XX аср бошларидаги Хива хонлиги ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўрганишдаги ўрни ёритиб берилади. Хусусан, қозихатлар ва хон ёрликлари асосида мулкӣ муносабатлар, ер-сотув жараёнлари ва йирик мулкдорлар ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади.

Калит сўзлар: Хива, XIX аср, Шайхназарбой, музей фонди, қозихат, хон ёрлиги, мулк муносабатлари, Хива хонлиги, тарихий ҳужжатлар, иқтисодий ҳаёт, Ичан-Қалъа.

Тарихий шахслар фаолиятини ўрганишда музей фондларида сақланаётган ҳужжатлар муҳим манба ҳисобланади. Айниқса, Хива хонлиги даврига оид ёзма манбалар ўша давр ижтимоий-иқтисодий муносабатларини ёритишда катта аҳамиятга эга.

Шайхназарбой (Шиносий) Хива хонлигида катта лавозимда хизмат қилган шахс сифатида тарихда алоҳида аҳамиятга эга. Унинг фаолияти ҳақидаги маълумотлар асосан ёзма манбалар ва музей фондларида сақланаётган ҳужжатлар орқали олинади. Музейлар ва улардаги архив материаллари тарихи, маъмурий фаолият ва ижтимоий муносабатлар ҳақидаги тадқиқотларда муҳим манба ҳисобланади.

Шайхназарбой фаолиятини ўрганишда қуйидаги музей материаллари асосий аҳамиятга эга:

Қўлёзма ҳужжатлар – фармонлар, ҳисоботлар, солиқ йиғимлари ва девонбеги вазифаларига оид ёзувлар. Бу ҳужжатлар Шайхназарбойнинг маъмурий ва сиёсий фаолиятини аниқ кўрсатади.

Архив материаллари – рўйхатлар, ҳисоб китоблар ва ёзувлар орқали хонликдаги солиқ тизими ва давлат бошқаруви структурасини ўрганиш мумкин.

Бутунланган қимматбаҳо қоғозлар ва қўлёзма китоблар – улардан Шайхназарбойнинг саводчилиги ва ҳуқуқий билимлари ҳақида маълумот олиш мумкин.

Музей материалларининг аҳамияти

Тарихий ҳақиқийлик – музей материаллари Шайхназарбойнинг фаолияти ҳақида тўғридан-тўғри манба ҳисобланади ва тарихий фактларни тасдиқлайди.

Ижтимоий ва маъмурий контекстни тушуниш – ҳужжатлар орқали Хива хонилигидаги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар, солиқ тизими ва давлат бошқаруви ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Маданий меросни сақлаш ва тадқиқ этиш – музей фондлари Шайхназарбойнинг давридаги ҳуқуқий, маъмурий ва маданий жараёнларни сақлаб, унинг фаолиятини ўрганишда асосий материал беради.

2019 йил август ойида Хива шаҳрида XIX аср охирида қурилган Хива хони ясавулбошиси Шайхназарбой ҳовлисида таъмирлаш ишлари олиб борилаётган вақтда ноёб тарихий ҳужжатлар топилди. Ушбу ҳужжатлар усталар томонидан “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси фондига топширилди.

Топилган ҳужжатлар таркибида 49 та қозихат ва 3 та хон ёрликлари мавжуд бўлиб, улар музей мутахассислари томонидан илмий жиҳатдан ўрганилди. Мазкур ҳужжатлар XIX аср охири – XX аср бошларидаги ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларни ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.



Қозихатларни таҳлил қилиш жараёнида Шайхназарбой ўғли Муҳаммад Мурод девонбегига оид муҳим маълумотлар аниқланди. Жумладан, 1281 ҳижрий (1864 йил) санаси билан тузилган олди-сотди ҳужжатида Кўҳна қалъа худудида жойлашган 700 газ ер майдони уй-жойлари билан бирга 1500 тилло эвазига сотилгани қайд этилган.

Бу маълумотлар Хивада йирик мулкдорлар мавжуд бўлганини, шунингдек, ўша давр иқтисодий муносабатлари анча ривожланганини кўрсатади. Ер-сотув жараёнларининг қозихатлар орқали расмийлаштирилиши ҳуқуқий тизимнинг шаклланганлигидан далолат беради.


Шунингдек, ушбу ҳужжатларнинг музей фондига қабул қилиниши уларни сақлаш, ўрганиш ва илмий муомалага киритиш имкониятини яратди. Бу эса тарихий меросни асраш ва келгуси авлодларга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Ичан-Қалъа давлат музей-кўриқхонаси фондига қабул қилинган қозихат ҳужжатлари нафақат мазмун жиҳатидан, балки уларнинг тайёрланиш услуби ва ёзув маданияти нуқтаи назаридан ҳам катта илмий аҳамиятга эга.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу ҳужжатлар оддий қоғозларда эмас, балки юқори сифатли, махсус ишланган қоғозларда ёзилган. Жумладан, айрим ҳужжатлар Самарқанд ва Россияда ишлаб чиқарилган қимматбаҳо қоғозларда таълиф этилган бўлиб, бу ҳолат ўша даврдаги ҳужжат айланмаси ва савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлигидан далолат беради.

Ҳужжатлардаги ёзув услубига эътибор қаратадиган бўлсак, асосан Марказий Осиёда кенг тарқалган ва энг чиройли ҳамда ўқишга қулай ҳисобланган “настаълик” ва “райҳоний” хат турларидан фойдаланилган. Ёзувлар қора сиёҳ билан аниқ ва равшан тарзда битилган бўлиб, бу уларни нафақат мутахассислар, балки оддий аҳоли томонидан ҳам ўқиб тушуниш имконини берган.

Шунингдек, ҳужжатларда турли шаклдаги муҳрлар — думалок, эллипс, тожсимон ва бошқа кўринишлардаги муҳрлар қўлланилган. Бу муҳрлар ҳужжатнинг расмийлигини тасдиқлаш билан бирга, унинг ҳуқуқий кучга эга эканлигини кўрсатган.



Қизиқ жиҳати шундаки, ҳужжатларнинг чекка қисмларида, айниқса юқори ўнг бурчакларида рақамлар қўйилган бўлиб, бу рақамлаш тизими ҳужжатларни тартибга солиш ва рўйхатга олиш вазифасини бажарган. Мазкур рақамлар бутунги кундаги штамп ва инвентар белгиларининг ўрнини босганини кўриш мумкин.

Шайхназарбой ҳовлисидан топилган ҳужжатлар Хива хонлиги даври тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланди. Улар орқали нафақат бир шахс фаолияти, балки бутун даврнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида муҳим хулосалар чиқариш мумкин. Музей фондларининг бойиши эса тарихий тадқиқотларнинг сифатини оширишга хизмат қилади.

Аввало, музейларда сақланаётган асл (оригинал) ҳужжатлар Шайхназарбойнинг давлат бошқарувидаги ўрнини аниқлашга ёрдам беради. Масалан, фармонлар, ёрлиқлар, аризалар ва муҳрли ҳужжатлар орқали унинг хон саройидаги фаолияти, қарор қабул қилиш жараёнлари ва ҳуқуқий масалалардаги иштироки ҳақида ишончли маълумотлар олинади.

Иккинчидан, музей экспонатлари — муҳрлар, ёзма манбалар, шахсий буюмлар — унинг ижтимоий мавқеи ва нуфузини кўрсатади. Бундай ашёлар орқали нафақат бир шахс, балки бутун даврнинг бошқарув тизими, маданияти ва ҳуқуқий анъаналари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Учинчидан, музей материаллари тарихий воқеаларни аниқ ва холис ёритиш имконини беради. Чунки улар иккинчи манбалар эмас, балки тўғридан-тўғри ўша даврга тегишли далиллардир. Бу эса тадқиқотларда хатолик ва тахминларни камайтиради.

Тўртинчидан, музейлардаги материаллар ёрдамида Шайхназарбой фаолиятини бошқа тарихий шахслар ва давр воқеалари билан боғлаб таҳлил қилиш мумкин. Бу эса унинг фаолиятини кенг тарихий контекстда ўрганишга хизмат қилади.

Шайхназарбойнинг фаолиятини ўрганишда музей материаллари аҳамияти беқиёсдир. Ушбу ҳужжатлар ва архивлар тарихи ҳақиқий манбаларини таъминлаб, Хива хонлигидаги маъмурий ва ижтимоий ҳаётни чуқурроқ таҳлил қилиш имконини беради. Шу орқали тарихшунослар Шайхназарбойнинг шахсий ва маъмурий роли, давлат идоралари фаолияти ва халқ билан муносабатларини аниқ кўрсатишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, музей материаллари Шайхназарбойнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда энг ишончли ва қимматли манба бўлиб, улар орқали тарихий ҳақиқатни тиклаш, унинг жамиятдаги ўрнини аниқлаш ва илмий асосланган хулосалар чиқариш мумкин. Мазкур қозихат ҳужжатлари “Ичан-Қалъа” давлат музей-кўриқхонаси фондининг ноёб қисми сифатида нафақат тарихий мазмун, балки ёзув маданияти, қоғоз ишлаб чиқариш анъаналари ва ҳужжат юритиш тизимини ўрганишда ҳам муҳим манба ҳисобланади. Улар орқали XIX аср охири – XX аср бошларидаги ҳуқуқий ва маданий муҳит ҳақида чуқур илмий хулосалар чиқариш мумкин.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар.

1. Давлатёр Раҳим. “Муҳаммад Мурод девонбеги”. Тошкент 2016, 111-бет.
2. Ичан-Қалъа давлат музей-қўриқхонаси нашри.
3. Музей архивлари (1910–1920).
4. Ичан-Қалъа давлат музей-қўриқхонаси фонди, девонбеги ҳужжатлари.
Хива.

